



Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа қилинадиган нарсаларни бермаганми? Ҳар бир тасбеҳингиз - садақа, ҳар бир такбирингиз - садақа, ҳар бир таҳлилингиз - садақа, яхшиликка буюриш - садақа, ёмонликдан қайтариш - садақа ва жуфтингиз билан қовушишингиз ҳам садақа!

Абу Зарр разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларидан баъзи бировлар У зотга дедилар: — Ё Расулуллоҳ! Бой-бадавлат одамлар ажр-савобларни олиб кетишди-ку: улар биз намоз ўқиганимиздек намоз ўқишади, рўза тутганимиздек рўза тутишади ва ошиқча мол-давлатларидан садақа қилишади. — Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа қилинадиган нарсаларни бермаганми? Ҳар бир тасбеҳингиз - садақа, ҳар бир такбирингиз - садақа, ҳар бир таҳлилингиз - садақа, яхшиликка буюриш - садақа, ёмонликдан қайтариш - садақа ва жуфтингиз билан қовушишингиз ҳам садақа! — Ё Расулуллоҳ! Агар биримиз шаҳватини қондирса, шунинг учун ҳам ажр оладими?! — Ахир у шаҳватини ҳаромга тўкканида гуноҳкор бўлармиди?! Демак, шаҳватини ҳалолга тўккани унинг учун ҳам ажр бўлади.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Баъзи саҳобаларнинг фақирлари ҳолатлари ва фақирликларидан Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилдилар. Улар: «Биз бой саҳобалар каби кўп савобли амаллар қилиш имкониятига эга эмасмиз. Улар ҳам биз сингари намоз ўқийдилар, биз каби рўза тутадилар, лекин ортиқча молларидан садақа қиладилар. Биз эса садақа қила олмаймиз!» дедилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга ўзлари қодир бўлган садақани кўрсатдилар ва дедилар: «Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа қилиш йўлини бермаганмиди?! Сизларнинг “Субҳаналлоҳ” дейишингиз садақадир, “Аллоҳу акбар” дейишингиз садақадир, “Алҳамдулиллаҳ” дейишингиз садақадир, “Лаа илааҳа иллаллоҳ” дейишингиз ҳам садақадир. Яна маъруфга буюришингиз садақа, мункардан қайтаришингиз садақа. Ҳатто сизлардан бирингизнинг ҳалол йўл билан хотини билан яқинлиги ҳам садақадир». Саҳобалар ажабланиб: «Ё Расулуллоҳ, одам ўз шаҳватини қондирса ҳам унга ажр бўладими?», — дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қаранглар-чи, агар одам уни ҳаромда - зино ёки бошқа йўлда қондирса, унга гуноҳ бўладими? Энди уни ҳалолда қондирса, унга савоб бўлади».

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

